O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

26 октябр

Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади

Ислом КАРИМОВ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	1999 ЙИЛ 26 ОКТЯБР, СЕШАНБА	№ 43 (143)	Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Конституцияси 7 йиллиги байрамига-43

Ўзбекистон Президенти сайловига-75

Мухтор вакил-депутатлар сайловига- 40

КУН ҚОЛДИ

Сирожиддин МИРСАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

ЭЪТИҚОД, ВИЖДОН ЭРКИНДИР, У ЗЎРЛАБ СИНГДИРИЛМАЙДИ

Ўзбекистонимиз очиқ дунёвий мамлакат сифатида шаклланиб, жаҳонга юз тутмоқда. Ватанимиз ўз тарихида ҳеч қачон маълум бир дин, алоҳида бир эътиқод доирасида чекланиб қолган эмас. Азалда мавжуд эътиқод йўналишлари - зардўштийлик, насронийлик (христиан), яҳудийлик, буддизим, шаманийлик ва бошқа динлар ҳеч қачон низоларга сабаб ҳам, ниқоб ҳам бўлмаган. Тўғри, ислом дини аввалига «қилич билан» келтирилган. Аммо 100 йиллар давомида зўравонлик акс таъсир этаётганлиги, қурол кучи ва тазйиқлар бефойда эканлиги англаб етилгач, «ихтиёрийлик» даври бошланган. Маърифийлик, дин-эътиқодни эркин танлаш, ислом уламоларининг шахсий-маънавий қиёфаси, исломдаги одиллик, одамларни ўзига кўпроқ жалб этиб, у халқларимиз руҳиятига сингиб борган.

Чор Россияси истилочилари динимиз, виждонимиз эркинлигига монелик қилмоқчи бўлишган эди. Бироқ мустабидлик зуғуми ўтмади, халқимиз ўз динига, эътиқодига содиқ қолди. Шўролар даврининг қатағонлари халқимизни динсиз қилишга йўналтирилган эди. Ҳеч нарсага эриша олмадиларку! Буларнинг барчасига жавоб битта: зўравонлик, қўрқитув билан динни, эътиқодни сингдириб ҳам, синдириб ҳам бўлмайди. Зеро, Муҳаммад Алайҳисаллом: ***«Эй, инсонлар, ўта ҳаддан ошишдан, ҳар ишнинг чегарасидан чиқиб кетишдан сақланинг. Аввалгиларнинг ҳалок бўлишларига сабаб динда ҳаддан ошишларидир»*** деб таъкидлаганлар.

Ҳаддан ошиш, зўравонлик ҳар қандай ҳолатда ҳам дилозорликни, азобланишни келтириб чиқаради. Ҳадиси Шарифларда баён қилинган: ***«Дилозорларнинг барчаси дўзахга маҳкумдирлар», «Мўминларнинг ўзаро уруш қилишлари куфрдир», «Динни ниқоб қилиб, одамларни чалғитувчи ва ноҳақ йўлга бошловчилар дажжолдан ҳам хавфлидир»*** каби бебаҳо сўзларнинг моҳияти ва қадрини билмоқ, чуқур англамоқ керак.

Хўш, биз бугун гувоҳи бўлиб турган баъзи нохушликлар, асабга тегувчи ҳолатларнинг баҳоси нима?

Жаҳоннинг турли мамлакату минтақаларида динни ниқоб қилиб олган «бир ҳовуч» галамислар аслида инсонлар устидан ҳукмронлик қилиш ва бузуқ нафсларни қондиришдан ўзгача нияти бўлмаган экстремист тўдалар шафқатсизларча ўз террорчилик жиноятларини содир этиб, халқларнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётига таҳлика солаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Афғонистон, Жазоир, Чеченистон, Доғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа ҳудудлардаги ғаламисларнинг «соқол ва дин» ниқобидаги хунрезликлари, бегуноҳ ғўдаклару покиза оналарнинг, ширин орзуларда ўсаётган ўғилқизларнинг, мўътабар қарияларнинг нурафшон чеҳраларига совуқ соя солаётганликлари, изтиробларга мубтало этаётганликлари ана шу - ҳаддан ошиш, чегарадан чиқиш, диндан қурол ясаб зўравонлик қилиш эмасми?

«Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз, - деб ёзади юртбошимиз, - ***дин нима-ю, сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли ҳудоҳўй инсону ким мунофиқ, риёкор эканини яхши билади... Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди».***

Дарҳақиқат, халқимиз ўз дини ва эътиқодини яхши билади. Энди, турли бурчакларда изғиб юрган бир ҳовуч кимсалар, қилиғи исломга зид гуруҳлар, манфаатпараст бузғунчилар бу метин пойдеворли эътиқодга раҳна соладими? Йўқ, улар фақат мусулмонларга ортиқча ташвиш, азоб ва кўз ёши келтирадилар, холос. Ёки 82 фоиз аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган Ўзбекистонимизда бундай — тиниқ сувни лойқалатишга не ҳожат?

Ватанимиз ва унинг аҳли мустақил тараққиёт йўлини танлаган дастлабки кунларданоқ юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт заминини қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган дунёвий демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда муносиб ўринни эгаллашни мақсад қилди.

Нисбатан қисқа даврда юртимизда маънавий қадриятларимиз тикланди, эътиқод эркинлиги учун беқиёс имкониятлар яратиб берилди. Халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олиб, Рўза ва Қурбон ҳайитлари байрам, дам олиш куни, деб эълон қилинди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон фуқароларидан 24 минг киши муборак Ҳаж сафарига бориб келди. Яна 18 минг киши Умра амалларини адо этди. Таққослаш учун айтиш керакки, собиқ иттифоқ даврида бутун Ўзбекистондан нари борганда саксондан ортиқ кишигина ана шундай шарафга етишган эди, холос.

Улуғ боболаримиз Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний хотираларини ёд этиб, Самарқанд ва Фарғонада тантаналар ўтказишга, Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини тиклашга, дунё илм-маърифати, маънавияти аҳли диққатини эл-юртимизга қаратишга, бу улуғ заминда камол топган аждодларимизни улуғлашга мустақиллик туфайли эришдик-ку!

Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ташкил этилган Тошкент Ислом Университети ҳамда ўтган йили Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғида бунёд этилган Имом ал-Бухорий мажмуаси, Бухорода Нақшбандий, Термизда Ат-Термизий каби ўнлаб қадамжолар, мақбаралар ободонлаштирилиб, бутун ислом оламидан ўн минглаб одамлар зиёрат қиладиган жойларга айлантирилганлиги диндош, қавмдошларимизга маъқулу манзур бўлганлигини кўрмаслик мумкинми?

Бугун юртимизда **120 дан ортиқ миллат ва элат** вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳуқуқлари тенг ва тўлиқ кафолатланган, ўзаро дўстлик ва қонқардошлик вазияти вужудга келтирилган. Улар дини, тили, келиб чиқишидан қатъий назар, Ўзбекистон Конституциясида белгилаб берилган барча ҳуқуқлардан тенг фойдаланмоқда. Бу ахир, буюк саодат, қолаверса, исломий таълимотнинг ижобати эмасми?

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ республикамизда дин ва виждон эркинлигига кенг йўл очилди. Жумладан, Конституциямизнинг 31-моддасида ***«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»*** деб, энг инсонпарвар талаблар ва умумжаҳон қоидаларни эътироф этдик. Бундан-да «қийиқ ахтариш» инсофданми? Йўқ, албатта.

Ҳолбуки, республикамизда **инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунгача Ўзбекистон **инсон ҳуқуқлари бўйича 30 дан ортиқ халқаро ҳужжатга** қўшилган ва уларда белгиланган шартларга қатъий риоя қилиб келмоқдамиз.

Республикамизнинг 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунини олайлик. Унинг республикамизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элат вакиллари учун виждон эркинлигини кафолатлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳақидаги умумэътироф этилган халқаро талабларга асосланганлигини бутунжаҳон афкор оммаси тан олмоқда.

Шу ерда бир фактни шарҳлаб ўтиш жоиз: юртимиз миллий мустақиллигини эълон қилган дастлабки даврларда узоқ вақт таъқиб остида бўлган диний эътиқодимизга ҳам эркинлик берилгач, 10 кишининг боши бирикса бўлди, бир кўчада ёки маҳаллада диний ташкилотлар, масжидлар ёмғирдан сўнгги қўзиқоринидек кўпая борди. Чаламуллалар кўпайиб кетди. Бошбошдоқлик кўзга ташланиб қолди. Қонунбузарлар, ғаразгўйлар, мавқе талашиш, тортишув ва ўзаро жанжаллар юзага чиқа бошлади. Халқнинг диний русумларини ўтказишда чигалликлар ва талабга жавоб бермайдиган вазият юзага келди. Диний ташкилот ниқоби остида жиноятчилар, қиморбозлар, ўғри-талончилар иш кўра бошлади. Сиртдан масжид - ичдан ғийбатхонани эслатувчи баъзи «маскан»лар пайдо бўлди. Шу каби ҳолатлар сабабли қонунни қайта кўриб чиқиш, диний ташкилотлар ва масжидларни том маънодаги маърифат ва имон мактабларига, тарбия ўчоқларига айлантириш, уларни йириклаштириб, ҳақиқий виждон ва эътиқод масканларига айлантириш зарурати туғилди.

Шу боисдан қонунимиз қайта кўриб чиқилиб, у янги таҳрирда қабул қилинди, диний ташкилотлар халқ эҳтиёжини қондирадиган, диндорлар талабига тўла жавоб берадиган ва йириклаштирилган ҳолда қайта рўйхатга олиниши тартиби ишлаб чиқилди.

Бугунга келиб, мамлакатимиз адлия идораларида 1744 та диний ташкилот расмий равишда рўйхатга олинди. Уларнинг 1500 дан ортиғи ислом динига мансуб ташкилотлардир. Жараён давом эттирилиб, тағин 100 га яқин аризаларни кўриб чиқиш арафасида. Шунингдек, юртимизда православлар, яҳудийлар, католиклар, баптистлар, корейслар ва баҳоийларнинг диний ташкилотлари ишлаб турибди. Улар эркин, қонун билан кафолатланган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Эшиклари барча учун очиқ. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Қаери кам? Ахир, бирорта ҳам эътироз йўқ-ку!

Булардан ташқари, Марказий бошқарув органига эга бўлган турли динларга мансуб ташкилотлар ўз диний ўқув юртларини ташкил этган. Улар расмий рўйхатдан ўтган. Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ташаббуси билан Тошкентда «Кўкалдош» мадрасаси, «Хадичаи Кубро» хотин-қизлар билим юрти, Бухорода «Мир-Араб» мадрасаси, Самарқандда «Имом ал-Бухорий» Ҳадис Маркази каби 11 та диний ўқув юртлари ислом мутахассисларини тайёрлашда эркин фаолият кўрсатмоқда.

Пойтахтимизда Рус православ Черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг Православ диний семинарияси ишлаб турибди. Булар барчаси баъзи ғаламис, туҳматчиларнинг «Ўзбекистонда дин сиқувга олинаяпти» деган ҳавойи ҳайқириқларини батамом рад этади.

Келинг, ҳурматли ўқувчи, яқин ўтмишимизга яна бир бор теранроқ нигоҳ ташлайлик. Ўзбекистон деган мамлакатни жаҳон хариталари билмасди. На миллат, на халқ, на инсон сифатида ҳам ҳеч ким бизни танимасди, ҳисоблашмасди, дардимизни эшитмасди. Тилимиз «кесиб ташлаш» даражасига етказилган эди.

Баъзи «кеча» туғилган, ҳали дунёнинг оқу қораси, иссиқ-совуғининг гувоҳи бўлмаган чаламуллаларга, ўзларини «ислом ҳимоячилари, лашкарлари» деб юрганларга: ***«Эй, банда бу юрт одамлари яқин ўтмишимизда, туғилишидан, оила қуришидан тортиб, жанозасигача мустабидлик, коммунистик-шўровий тузимнинг безбетларча тазйиқи остида эди. Вафот этган отасини дафн қилишда***

(Давоми 2-бетда)

Сайловолди суҳбатлар

САЙЛОВ МАСЪУЛИЯТИ

Республикамиз Олий Мажлисига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига шу йилнинг 5 декабрида бўладиган сайловлар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлибгина қолмасдан, балки халқнинг ҳокимиятга ва у олиб бораётган сиёсатга ўз муносабатини билдириш, шу орқали давлатни бошқаришда иштирокининг асосий кўринишидир.

Дунёдаги тараққий этган давлатларда синовдан ўтган «демократик» деб тан олинган сайловларнинг умумийлик, ихтиёрийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик, адолатлилик ва овоз беришдаги яширинлик ҳолатлари сайлов тўғрисидаги қонунларимизда ўз аксини топганлигини таъкидлаш жоиз. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтказилаётган бу иккинчи сайлов аввалгисидан фарқли ўлароқ сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларидан ташқари фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари иштирокида ташкил этилмоқда.

Ҳар бир сайлов округидан бир нечта номзод қўйилиши сайловчиларга улар орасидан қиёслаш, танлаш, таққослаш имкониятини беради. Фуқаро энг муҳим сиёсий ҳуқуқидан бири - жамиятни ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишга эришиши кафолатланади.

Бугун жамиятимиз ана шу руҳда яшамоқда, жараёнларга ёндашмоқда. Табиийки, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси барча идора ва тизилмалари билан биргаликда четда турган эмас. Пойтахтда Олий Мажлисга 25 та, халқ депутатлари шаҳар кенгашига 60 та сайлов округлари ва 670 сайлов участкалари тузилган бўлиб, уларда тайёргарлик ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Сайловолди ишлари, номзодлар кўрсатиш ва рўйхатга олиш палласи айни авж палласига кирди, десам адашмайман.

Ана шу паллада қайд этишим жоиз, ҳуқуқийлик, қонуний муҳим ўрин тутади ва биз ҳуқуқ соҳаси ходимларига катта масъулият юклайди. Шу боисдан адлия бошқармамиз Тошкент Давлат юридик институти билан биргаликда сайловлар масаласида шаҳарнинг ҳар бир туманида, округ сайлов комиссиялари, туман ҳокимлиги масъул ходимлари иштирокида 27 сентябрдан бошлаб шаҳар ҳокимияти раҳбарияти томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўқув машғулотлари ташкил этди ва уларнинг мунтазам ўтказилиши таъминланди.

Бу йиғилишларда тингловчиларга сайлов тўғрисидаги қонунлар юзасидан кенг ва малакали тушунтиришлар берилди. Айниқса, кўпчиликни қизиқтирган қонуннинг 22-1-моддасида назарда тутилган, депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузишда дастлаб қилинадиган ишлар, гуруҳнинг ваколатли вакили ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ишонч қоғози, номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаш тартиби ва уни имзолаётган сайловчиларнинг миқдори округдаги ҳар бир маҳаллалар бўйича тенг равишда тақсимланиши каби масалалар юзасидан мулоҳазалар қизғин тус олди.

Бошқармамиз ва Тошкент юридик институти раҳбарияти шаҳар, округ сайлов комиссиялари ва сайлов участкалари комиссиялари аъзоларига сайловга тайёргарлик борасида доимий ҳуқуқий ёрдам кўрсатмоқда. Маҳаллаларда фуқаролар билан сайлов қонунчилиги юзасидан суҳбатлар уюштирилмоқда. Сайлов участкаларида ҳуқуқшунослардан иборат навбатчилик постлари ташкил этишни йўлга қўяяпмиз.

Бу тадбирларга бошқармамиз ходимлари, институт ўқитувчилари ва нотариал идоралари хизматчилари, адвокатлари жалб этилган. Яна бир ишимиз: 4 октябр куни шаҳардаги барча нотариусларни жалб этган ҳолда сайловдаги нотариал ҳаракатлар юзасидан махсус ўқув машғулоти ўтказдик. Депутатликка номзодликка номзодлар бевосита фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилиши белгиланганлиги ва ваколатли вакил этиб тайинланган шахсга нотариус ишонч қоғозини расмийлаштириб бериши назарда тутилганлиги ҳамда номзодларнинг ҳужжатларини топшириш муддати оз қолганлигини ҳисобга олиб, адлия бошқармаси барча нотариусларга ушбу масалада мурожаат қилганларни, истисно тариқасида, навбатсиз қабул қилиш тўғрисида кўрсатма бердик. Сайловлар бугун барчамиздан масъулият талаб этмоқда. Масъулиятни фаоллик билан оқлаш мумкин.

Ёқубжон БОЗОРБОЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

Қонунни дўст тутган ҳар инсон ҳаётда қоқилмас ҳеч қачон!

Деҳқонларимизнинг «Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда» деган сермаъно нақли бор. Аммо бу ҳикмат биз - ноширларга, газетхонларга ҳам қайсидир маънода тегишли. Чунки куз - обуна мавсуми.

Обуна мавсуми нашрлар ва муштарийлар ўртасидаги ишонч ва садоқатни синовдан ўтказади. Неча йилларки, «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси бу синовлардан шараф билан ўтаётганлиги қувончлидир. Қувончимизга асос - йилдан йилга муштарийларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Ўз ҳақ-ҳуқуқини таниш, ҳаётда қонунни устувор тутиш эҳтиёжи кучайгани боис одамларда ҳуқуқий нашрларга қизиқиш ортди. Ана шу эҳтиёж, ана шу қизиқишлар бундан кейин ҳам бизнинг газета ва журналимизнинг бош мавзулари бўлиб қолади.

Нашр кўрсаткичлари:
«Ҳаёт ва қонун» журнали
- якка обуначилар учун - 902
- ташкилотлар учун - 903

«Инсон ва қонун» газетаси
- якка обуначилар учун - 137
- ташкилотлар учун - 138

Ушбу сонда:



ТЕРМИЗИЙЛАРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ БЎЛАЙЛИК!

2-бет

САҒИР ҚИЗНИНГ ҚИСМАТИ

- Эҳ-е, ёш дейсизлар, бунинг ғилиги қолибдими? Кунда эрсираб кўчадан бери келмайди-ку! Онасининг қони бор-да, бунинг томирида!

3-бет

Бизга ёзадилар

«ШИРИН-ТЕПА»ДАН «АЧЧИҚ»-ЛАНИБ ЮРАВЕРАЙМИ?

4-бет

Термиз шаҳар ҳокими Ҳусан УМАРОВ билан суҳбат

ТЕРМИЗИЙЛАРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ БЎЛАЙЛИК!

- Президентимиз Ислом Каримов ҳар гал Сурхон воҳасига ташриф буюрганларида Термиз шаҳрини Ўзбекистонимизнинг дарвозасига қиёслаб гапирадилар. Суҳбатимизни ана шу буюк нисбатнинг моҳияти ҳақида фикрлашдан бошласак!..

- Ҳақ гапни айтдингиз. Муҳтарам йўлбошчимизнинг вилоятимиз марказига, доврўқлари оламга машҳур аждодларимиз қатори буюк Термизийларга ихлослари, эътиборлари ўзгача. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида Термиз асосан аграр соҳасига ихтисослашган энг чекка бир шаҳар эди. Истиқлолдан кейин шаҳримизнинг қиёфаси тамомила ўзгариб кетди, сўнгги икки-уч йилда воҳамиз маркази обод гўшага айланди. Бир пайтлар Термизга келган меҳмонлар тушлик қилиш учун ошхона излаб топишолмас, ором олиб, салқинлайдиган жойнинг ўзи йўқ эди. 15-20 йилда амалга оширилмаган ишлар сўнгги 3-4 йил ичида қилинди.

- Шу кеча-кундузда оламшумул анжуман - «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллигини нишонлаш учун республика миқёсида кенг кўламда тараддуд кўрилаяпти. Бу борада Термизда амалга оширилаётган ишларга тўхталсангиз...

- «Алпомиш» достони аждодларимизнинг муқаддас битиклари қатори авлоддан-авлодга ўтиб, ҳануз ўзлигимизни англаш, келажагимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизни Ватанга, миллатга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим восита бўлиб келаётир. «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги нишонланиши муносабати билан шаҳримизга ҳамдўстлик мамлакатлари ва хорижий давлатлардан меҳмонларнинг ташрифи кутилмоқда. Юбилей баҳона «Алпомиш» достонининг фақат бахшилар ижросида мавжуд бўлиб, аммо чоп этилмаган вариантлари босмадан чиқарилмоқда. Бу хайрли ишда фолькоршунос олимларга воҳамиз зиёлилари камарбаста бўлишаётир. Вилоят ҳокими раҳбарлигида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилаётир. Жумладан, «Дўстлик» истироҳат боғида фусункор «Алпомиш» хиёбони барпо этилди. Миллий қаҳрамонимизнинг маҳобатли ҳайкали қад ростлаяпти. Унга қадар фавворали чўмилиш ҳавзаси, ёпиқ теннис корти бунёд этилди. Шаҳарнинг деярли барча кўчалари автотранспортларнинг бир ёқлама ҳаракатланиши учун қайта қурилиб, четларига турфа хил гуллар, манзарали дарахт кўчатлари экилди ҳамда тунги чироқлар ўрнатилди... Бир сўз билан айтганда, кўҳна Термиз таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Термиз шунчаки жанубий сарҳад, вилоят марказигина эмас, балки қадим-қадимдан маънавият ва маърифат бешиги, дунё халқларининг диққат-эътиборидаги буюк шаҳар. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз битикларида Термизни «мардлар шаҳри», дея бир неча бор эътироф этган.

Баъзан собиқ иттифоқ даври ундай эди, бундай эди, деган бетайин гаплар ҳам қулоққа чалинади. Шундай пайтда ўйламай гапирган тор фикрли ўша гумроҳ кимсанинг қўлидан етаклаб, биргина Термиз шаҳрининг ўзида тубдан қайта қурилган ва янгидан бунёд этилган ўнлаб касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга олиб боргим ва уларга қарата: «Эй биродар, дунёга қорин ғами билан эмас, қалб кўзи билан қарагин», дегим келади. Бундан ўн йилча илгари ҳунар-техника билим юртлари фақат тракторчи, эксковаторчи-ю, ғишт терувчи касб-корини ҳаминқадар ўргатиб, ёшларни чаласавод ҳолда мустақил ҳаётга йўллаган бўлса, бугунги кунда янги типдаги лицейлар ва коллежларимизга ёшлар тест синовлари асосида саралаб қабул қилинмоқда. Аммо биз қилинган ишлардан ҳали қониққанимиз йўқ. Ҳали поёнига етмаган ишларимиз кўп, албатта.

Амударё соҳилида жойлашган ҳазрати Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳокини зиёрат қилишга, собиқ иттифоқ даврида вилоят раҳбарлари ҳам, чегара ҳудуди бўлгани боис берухсат қўйилмасди. Истиқлолдан сўнггина биз буюк бобомиз мақбарасини ҳадиксиз зиёрат қила оладиган бўлдик, бу муқаддас қадамжолар обод зиёратгоҳга айлантирилди. Олисдан келган сайёҳлар, зиёратчилар учун меҳмонхона-ю салқин ромгоҳлар барпо этилаётир. Мақбара вилоят ҳокимининг ташаббуси билан қайта таъмирланди. Умуман, Термизийларнинг ҳозиргача сақланиб қолган асарларини ўрганиш, қайта нашр эттириш, буюк зотларнинг номи билан боғлиқ қимматли маълумотларни топиш, тиклаш доимо диққат-эътиборимизда. Бундай олижанобликка ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримов бизни мудом даъват этиб келаётир. У киши Бухоро вилоятидаги Қоровулбозор ҳудудида қуриб, битказилган нефтни қайта ишлаш корхонасининг очилиш тантаналаридан сўнг Масжиди Калонга ҳам ташриф буюриб, бутун халқимизга қарата, «Қоровулбозордаги сингари зарур иншоотлар ҳам керак, аммо ундан ҳам муҳими мана шундай табаррук қадамжоларни обод этмоқдир» деган эдилар. Биз йўлбошчимизнинг ана шу кўрсатмаларини ўзимизга дастуриламал қилган ҳолда, маънавий-маърифий соҳани равнақ топтириш учун бор кучимизни аямаслигимиз керак.

- Ҳусан Умарович, шаҳарда яқин орада ҳал этилиши зарур бўлган қандай муаммоларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

- Муаммосиз ҳаёт бўлмайди, аслида. Шаҳар аҳолисини, айниқса, ёз фаслида тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш чораларини излаяпмиз. Шаҳарда тозалик ва саришталикка эришишга муваффақ бўлдик, деб айта оламан. Айни шу масалада бизни матбуотда кўп танқид қилишганди. Истардикки, сизнинг ҳамкасбларингиз ўз имкониятларидан фойдаланиб, аҳоли ўртасида шаҳарларимиз озодалиги, саришталигини сақлашни кўпроқ тарғиб-ташвиқ этишса. Бунга ҳамма бирдай жон куйдирса. Ахир, ҳар қандай масканнинг тинчлиги, осойишталиги, саранжом-саришталиги, энг аввал, унда яшаб келаётган фуқароларнинг ўзларига боғлиқ эмасми?!

- Аҳолини, шу жумладан, ёшларни иш билан таъминлашнинг аҳволи қандай?

- Очиғини айтсам, бу борада ҳам бирмунча муаммолар мавжуд. Маълумки, ишсизлик ҳамма жойда ҳам жамият равнақига тўсиқ бўлади. Бизнинг шаҳримизда ишсизлик муаммоси деярли ҳал этилган. Аммо хусусий секторларда жонланиш бироз суст. Биз фақат умумий овқатланиш нуқталари-ю, маиший хизмат, хусусий савдо билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Демоқчиманки, кичик саноат корхоналари сонини ўстиришимиз лозим. Келгуси йилги дастуримизга мева-сабзавотларни, қайта ишлайдиган корхоналар бунёд этиш асосий вазифаларимиз қаторига киритилган.

- «Инсон ва қонун» газетаси ўқувчиларига қандай тилакларингиз бор?

- Ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар бир-бирига узвий боғликдир. Газета ҳар иккала масалани ҳам муттасил ва таъсирчан ёритиб келаётир. «Инсон ва қонун»нинг Термизда ўқувчилари кўп. Мен улардан биримаи. Ижодий жамоага ва газетанинг кўп минг сонли ўқувчиларига бардамлик ва бирдамлик тилайман.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД суҳбатлашди

(Боши 1-бетда)

одамлар фотиҳага қўл кўтарганлиги учун не одамлар қувғин этилди, ахир. Ҳатто «Алла» қўшиғини айтганларни «Оллоҳ» деяпти деб, ур-сур қилинганларидан хабарингиз борми? Масжид, араб алфавитида ёзилган китоб «Яратганга, Худога шукур» деб тасодифан бўлса-да, айтилган сўз... бу тушга ўхшаш аҳволнинг ўтмишга айланиши мустақиллигимиз ва танлаган йўлимиз, одилона ва теран юритилаётган сиёсатимиз шарофати эканлигини англайсизми?..» деб ҳайқиргинг келади.

Дарҳақиқат, ислом одамлар қалбини поклаш, ҳаётга ва яшашга ишончини ошириш, синов ва қийинчиликларга бардош беришда қувват бағишлаш, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, тинчлик ва барқарорлик, ўзаро оқибатлар илдизини суғорувчи муқаддас дин эканлигини барчамиз биламиз. Халқимиз уни қайтариб олди. Давлатимиз мустақил бўлгандан сўнггина бу имконият яратилди. Бу ишда ҳар қандай зўравонлик, тазйиқ ўтказиш зарар эканлигини тушунмаслик - кўрликдан ўзга нарса эмас. Дин, виждон эркинлиги мустақиллик каби озод, ҳур, ихтиёрий бўлиши керак. Зўрлик ўтмайди. У юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар доим акс таъсир этган.

Бир нарсани англайлик. Мамлакатимиз қўлга киритаётган барча ютуқларимизнинг бош омили - муаммоларимизни дунёвий илм, тажриба, ривожланиш ва янгича муносабатларда асосидаги андоза билан ўз салоҳиятимизни мутаносиб йўналтириш орқали мувофиқлаштираётганимиз натижаси, маҳсули эмасми? Шундай-ку, ахир!

Афсуски, доруломон кунларга етганимизда пок динимиздан ғаразли мақсадларда фойдаланувчилар, «Тоҳир Йўлдошлар, Жума Намангонийлар» пайдо бўлиб қолишди. Улар бузғунчилик, қабиҳлик, қон тўкиш билан машғул бўлишаяпти. Бу ўз халқига, Ватанига хиёнаткор, хоинларнинг баъзи онги шаклланиб улгурмаган ёшларимизни жаҳолат, мутаассиблик, қўпорувчилик ботқоғига тортаётганлиги, уларнинг «ўзингдан чиққан бало» эканлиги афсуслантиради, таажжубга солади, кишини. Хиёнаткор эса душмандан бешбаттар хавфлидир. Бундайларни ҳеч ким, ҳеч қачон кечирмаган. Жазони эса... ўз ёри Спитаменга хиёнат қилган аёлга Шоҳ Искандарнинг, хоин ўғли Андрейга украин ватанпарвари Тарас Бульбанинг тутган йўлидан ўзга чора йўқ. Бундайлар ўзларини «дин ҳимоячилари» деб аташаётганидан халқ ёқа ушлаяпти. Аждодлар дининнинг бундай «вакил»ларини одамлар, отаонасидан, уйидан ажралган болалар ёндирувчи, қўпорувчи, портлатувчи, «белига патронтош боғлаб, тишига пичоқ қистирган босқинчи» қиёфасида кўрмоқда. Оллоҳини, Яратганни тан олишга, сажда қилишга тайёр ёшлар ана шундайлар таъсирида «э-э, бор-ей!» қабилида қўл силтаётган ҳолларни учратаяпмиз... Келинг, буёғини айтмай қўя қолайлик. Тўғри-да, ислом деб кўкрагига муштлаётган «тўрва соқолли лашкар»лар ўзлари туғилган, унибўсган тупроққа четдан қурол кўтариб келса, бегуноҳ одамларни таласа, қонини тўксса, инсонни гаровга олса, аёллар, қариялар, гўдакларни азобласа, бошқа ҳаром-хариш ишлари билан Аллоҳнинг каломи - Қуръони Карим ҳамда Муҳаммад Алайҳиссаллом суннатларига хилоф иш тутишиб, одам ўлдиришни, оммавий қирғин келтиришни касб қилишса, бировнинг ерини зулм билан ноҳақ эгалласа, нафақат бандаларнинг, балки ёлғиз Ҳақнинг ҳам нафратига дучор бўлишлари муқаррар эмасми?

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг халқимизга мурожаатида таъкидлаганидек, ***«Ҳар куни беш маҳал ибодат чоғида минглаб биродарларимизга бағрини очаётган улуғвор масжидларимиз, диний таълим олишни истаган фарзандларимизни тарбия қилаётган Ислом Университети, Олий маъҳад ва мадрасаларимиз, минглаб юртдошларимизга Муборак Ҳаж сафари учун яратиб берилаётган қулайликлар, мусулмонлар учун барча шароитлар мавжудлигидан далолат бериб турибди. Биз ўзга юртлардан келиб, Ислом давлатини тиклаб беришларига, бизни ибодат қилишга ўргатишларига, бизнинг турмуш тарзимизга ёт тамойилларни сингдиришларига муҳтож эмасмиз».***

Президентимизнинг ***«Дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда - Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга не ҳожат? Бу ерга келиб, ислом илоҳиётининг илмий асосларини ишлаб чиққан, Қоҳира ва Дамашқда, Боғдод ва Мадина-ю мунаввара эътироф этилаётган буюк мутафаккирлар авлодига «соф» исломдан сабоқ бериш мантиқданми?»*** деган фикрларининг мағзини тўғри ва чуқур англасак, халқимизга ҳам, «орайўл»даги баъзи ёшларга ҳам, даҳолик даъво қилиб юрган «нарёқдаги»ларга ҳам фойда бўларди.

Ҳа, шу азиз ва муқаддас Ватан, мустақиллигимиз, Яратганнинг инъоми - буюк саодат, ҳурлигимиз, жумладан, виждон эркинлиги барчамизники. Уни на зўравонлик, на тажовуз, на сохта «соф»лик ўзгартира олмайди. Йўлбошчимиз таъбири билан айтганда, ***«Биз ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида, бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя қилиш»*** фуқаролик қарзимиз ва инсоний фарзимиздир.

Сирожиддин МИРСАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

ЭЪТИҚОД, ВИЖДОН ЭРКИНДИР, У ЗЎРЛАБ СИНГДИРИЛМАЙДИ

Қарши шаҳрида жойлашган халқ хўжалиги иншоотлари, муҳим обеъктлар, маъмурий бинолар ва фуқаро хонадонлари ички ишларнинг қўриқлаш бўлими томонидан қўриқланади. Қўриқлаш бўлимида хизмат қилаётган ходимлар ўз постларида сергак. Асосий эътибор фуқаролар хотиржамлиги ва қўриқланаётган иншоотлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Шаҳримизда фуқаро хонадонлари ва иншоотларни марказий қўриқлов пульти орқали кузатувни йўлга қўйганимизга анча бўлди. Кўпгина хонадон эгалари, ўз имкониятларига қараб, биз билан ҳовли-жойи, мол-мулкини қўриқлаш бўйича шартнома тузиб, хавотирсиз ўз тирикчилик фаолиятлари билан шуғулланмоқда.

Айниқса, кейинги пайтларда ҳушёрликни янада кучайтирдик. Аҳоли зич яшайдиган маҳаллалар, кўп қаватли уйлар атрофи ва муҳим объектлар мунтазам нигоҳимиз остида. Чордоқ ва ертўлалар панжаралар билан бекитилиб, тунги ёритиш чироқлари маромида ишлашини таъминладик. Энг муҳими, маҳалла ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар орасидан ходимларимиз билан бирга навбатчилик қиладиган гуруҳлар тузишга эришдик. Улар биз билан доимий ҳамкорлик қилиб, осойишталикни таъминлашда ёрдам кўрсатишмоқда.

Кичик сержант Қ.Раҳмонов, Файзи Эшқулов, лейтенант Искандар Саидов, капитан Мансур Саидов, кичик сержант Ғанишер Обидов, катта сержант Зиёд Худойқулов, Баҳром Юнусов, капитан Шоназар Эгамбердиев каби ходимларимиз намунали хизматлари билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Хизматимизда асосий эътибор шахсий таркиб билан ишлаш, ҳар бир ходимнинг ўз вазифасида масъулиятини кучайтириш, сиёсий ва маърифий билимини ошириш, ҳушёрлик ва фидойиликни ҳамроҳ этишга қаратилган. Ҳафтанинг ҳар душанба куни ўтказиладиган «Маърифат дарси»да ўзбек маърифатпарварлари ҳаёти, шарқ донишмандлиги, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, халқаро ҳаёт ҳақида маъруза ва суҳбатлар уюштираяпмиз. Бунда айниқса, ҳуқуқий нашрларни ўрганиш қўл келмоқда. Бўлимимизда 2000 йил учун обунани бошлаб юбордик. «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали ва «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасининг ҳар бирига бугунгача 100 дан зиёд ходимларимиз обуна бўлишди. Ходимларимиз ўз маънавий камолотини ушбу газета ва журналсиз тасаввур этолмайди.

Биз — «Инсон ва қонун» билан

АСРАШНИ СЎРАЮ, ЎЗИНГ ҲАМ ОГОҲ БЎЛ!

Маҳманазар РАВШАНОВ,
Қарши шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи милиция майори

Бу ажиб дунё

ИНСОФЛИ... БОСҚИНЧИЛАР

Босқинчиларда ҳам баъзан одамгарчилик хислати пайдо бўлар экан.

Кишинёв шаҳри атрофидаги уйлардан бирига ўғриликка тушган босқинчилар хонадон эгаси - кекса кампирни боғлаб қўйиб, қўлга илинадиган барча қимматли буюмларини олишди. Сўнг шошилинч йўлга отланишди. Лекин бу тоифа одамларга хос бўлмаган раҳмдиллик қилишди, яъни кампирни ечиб қўйишни илтимос қилиб, қўшнилар эшигида хат қолдиришди. Бу унинг ҳаётини сақлаб қолди, чунки кампир анча кексайиб қолган бўлиб, ташқарига ҳам камдан-кам чиқарди. Агар шу хат бўлмаганида кампир уйида 3-4 кун боғлоқлигича қолиши мумкин эди.

ОАВ хабарларидан олинди

Қонун ва ижро

ШАРТНОМАВИЙЛИК-ЛАБЗ ИШИ

Президентимиз И.Каримов «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди» деганларидек, бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларнинг қай даражада бориши уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиш даражасига бевосита боғлиқдир.

Бу нарса хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий муносабатларни тартибга солишга ҳам таллуқли. Вилоятимизда 200 та аллия ходими хўжалик юритувчи субъектларга ушбу масалада ёрдам кўрсатиш учун бириктирилган. Уларнинг фаолияти таҳлилига кўра, корхоналарда жами 8433 та 14.086.847.768 сўмлик ташқи шартномалар тузилган бўлиб, шундан 4354 таси контрактация шартномаларидир. Ходимларимиз йилнинг ўтган даври ичида 55 та 43.538.174 сўмлик ташқи, жумладан, 34 та 13.165.000 сўмлик контрактация шартномалари тузилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатишди.

Айни пайтда 4431 та 3.078.871.200 сўмлик ички, жумладан, 2207 та 1.367.405.200 сўмлик пудрт, 2224 та 1.711.466.000 сўмлик ижара шартномалари ўрганилганда уларнинг кўпчилиги нотўғри ва қонун талаби асосида тузилмаганлиги аниқланди. Шу боисдан 857 та 1.455.748.700 сўмлик ташқи, 827 та 271.320.000 сўмлик ички шартномалар қонун талаби асосида қайтадан туздирилишида ёрдам берилди.

Шартнома талаблари бузилиши ҳолларига барҳам бериш учун 769 та хўжалик субъектларига талабномалар киритдик. 290 та хўжалик субъекти манфаати учун 1.455.658.552 сўм маблағ реал ундириб берилишига эришдик.

Хўжалик субъектларига киритган, фақат 4 та тақдимномамиз асосида 117.465.132 сўм, жумладан, 2 та контрактация шартномалари бўйича 54.373.234 сўм реал ундириб берилишини таъминладик.

Жами ундирилган маблағлар 425 та шартнома бўйича 1.677.559.503 сўмни, жумладан, 27 та контрактация шартномалари бўйича 69.444.847 сўмни ташкил қилади.

200.149.498 сўмлик 137 та даъво аризалари қўзғатиб хўжалик судига киритдик, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди, қаноатлантирилди. Асосий эътиборни ўқитиш, ўргатиш ва семинарларга қаратяпмиз.

Жойларда хўжалик субъектлари раҳбарлари ва масъул ходимлар иштирокида 235 та ўқув соатлари, 47 та семинар йиғилашлари, 11 та оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, 24 та бошқа тадбирлар ўтказилди. Туман ҳокимликларига 12 та, вилоят корхоналарига 31 та тақдимнома киритдик.

Пахтакор нефт корхонаси, Ғаллаорол туман «Багарно» нефт корхонаси, Зомин туман Даштобод нефт маҳсулотлари корхоналари шартномалар тузишда қонун талабларига риоя этмаётганлик ҳолатларига дуч келдик.

Пахтакор нефт корхонасининг 102 та хўжалик субъектлари билан 293.133.387 сўмлик нефт маҳсулотлари учун тузган шартномалари ноқонуний равишда корхона юристи М.Халилов томонидан имзоланган, яъни 90 фоизи энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммани ташкил этса-да, юрист хулосаси олинмаган.

Дўстлик нефт маҳсулотлари корхонасининг 29 та ташкилот, 12 та хўжалик ва 55 та фермер хўжаликлари билан тузган шартномаларида сана, маҳсулот етказиб бериш тартиби, муддатлари, хўжалик реквизитлари кўрсатилмаган, ҳатто муҳр қўйилмаган, раҳбар имзоламаган ҳоллар мавжуд. Дўстлик туман «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти 30 та хўжалик ва 112 та фермер хўжаликлари билан тузган шартномаларида маҳсулот нархлари ва етказиб бериш тартибларини белгиламаган.

Ғаллаорол туман мева ва сабзавотни қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятининг 9 та, 30.991.000 сўмлик шартномалари қонуннинг 21-моддаси талабига риоя этмаган ҳолда тузилган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, айбдорларга чора кўришни сўраб туман ҳокимлигига киритган тақдимномамиз асосида жамият раиси Ш.Сафаров эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди.

Вилоят электр тармоқлари ва вилоят қурилиш трест бошқармасидаги шартномавийликдаги нуқсон ва камчиликлар юзасидан киритган тақдимномамизга кўра вилоят энергназорат бўлими нозирлари Р.Норбоев, Ф.Алибеков, Э.Давидов, В.Хидоятуллаев, Б.Эгамбердиев, А.Маршаков, Г.Турсунбоев, Д.Нурматов, Ф.Алиқулов, А.Амбаров каби бир қатор масъул шахслар интизомий жазога тортилди.

Жиззах туман ҳокимлигига хўжалик субъектларида шартномавий муносабатлар бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф эттириш юзасидан киритган тақдимномамиз асосида А.Навоий номли жамоа хўжалиги раҳбари О.Каримов ва бош ҳисобчи У.Сиддиқовлар эгаллар турган вазифасидан озод этилдилар.

Ғаллаорол туман ҳокими бизнинг таклифимизга кўра Ғаллаорол дон маҳсулотлари корхонаси раҳбари И.Бердиевни шартномавий муносабатларда йўл қўйган камчиликлари учун эгаллаб турган вазифасидан озод қилди.

Бошқармамиз шартномавийлик ва ижро интизоми юзасидан ишларни мунтазам ва фаол давом эттирмоқда.

С.ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Қобилжон Қаҳҳоров Сирдарё туман солиқ инспекциясининг малакали ходимларидан бири. Ўзининг хушмуомала ва талабчанлиги билан ҳамкасблари орасида обрў топаётган бу йигит кунлик ва ойлик тушумларни ўз вақтида бўлишига эришмоқда.

Сайхунобод туман пахта тозалаш заводида жамоат тартибини сақлашда туман ИИБ ходими Бахтиёр Алматовнинг ҳам хизмати катта.

СУРАТДА: Б. Алматов завод ишчилари даврасида

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Маълумки, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач, унинг мавқеи янада ошди, барча ҳужжатлар ўзбек тилида расмийлаштириладиган бўлди.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилингач, ўзбек тилига муносабат ўзгарди. Шу билан бирга аксарият иш ҳужжатлари рус тилида олиб бориш асоратидан мутлоқ соқит бўлолган эмасмиз. Давр эса ўз навбатида республика олий ўқув юртлари, коллежлари ҳамда лицейлари талабаларига билимни, жумладан, ҳужжатшунослик асосларини янада чуқурроқ ўргатишдек муҳим вазифани қўймоқда. Бироқ давлат тилида иш юритиш юзасидан бирон бир қўлланма ёхуд дарслик яратилган эмас.

Шу нуқтаи назардан Тошкент Давлат юридик институти доценти Собир Усмонов, ўқитувчилар Қурбонбой Тоҳиров ва Ўғилой Ҳошимоваларнинг «Ўзбек тилида иш юритиш амалиёти» ўқув қўлланмаси (Тошкент, «Адолат» нашриёти, 1999)нинг аҳамияти каттадир.

Қўлланманинг «Кириш» қисмида адабий тилнинг расмий-муомала услуби ва ҳужжатлар тузишдаги талаблари атрофлича ёритиб берилган.

Китобда асосан, ҳужжат тўлдирувчининг ўз ҳуснихатида ёзиладиган расмий иш қоғозларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни изоҳлаб берилган. Ҳар бир иш қоғозининг зарурий қисмлари ҳақида фикр юритилиб, ҳужжатларнинг лисоний хусусиятлари етарлича тушунтирилган.

Қўлланманинг амалий аҳамияти шундаки, ишда ҳар бир иш қоғозига хос сўзлар ва сўз бирикмалари, «шаблон» ҳолига кириб қолган синтактик қурилмалар юзасидан сўзликлар (муҳокама қилинди, зиммасига юклансин, ишонч билдираман, қабул қилишингизни сўрайман, ўз ихтиёримга кўра, моддий қийинчилик сабабли) каби терминларни, расмий иборларни талаба ҳар доим ҳам тўғри англаб олавермайди. Муаллифлар бу борада ҳам талабаларнинг савиясини янада такомиллаштириш мақсадида қизиқарли машқларни берганки, бу ҳар қандай кишини огоҳ этиши табиийдир. Қўлланмадан ўрин олган қуйидаги машққа эътибор беринг: «Ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий аҳволи ифодаларининг маъноларини тушунтириб беринг. Ижтимоий келиб чиқишингиз ва ижтимоий аҳволингиз ҳақида дафтарингизга ёзинг». (15-бет).

Бундан ташқари, мазкур ўқув қўлланмасининг охирига расмий услубга хос сўз ва сўз бирикмаларининг ўзбекча-русча луғатининг илова қилиниши рус тилидаги гуруҳ талабаларини давлат тилида иш юрита олишга ўргатиш жараёнида енгиллик яратишини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Демак, қўлланманинг асосий мақсади талабалар ва ўқувчиларнинг ёзма нутқларини ўстириш бўлиб, амалий машғулотлар олиб бориш орқали бу борада уларнинг зарур малакага эга бўлишларида кўмаклашишдан иборатдир. Айниқса, қўлланмадан нофилологик факультетларда мутахассислик тили, ўзбек тили фанларидан дарс жараёнида фойдаланиш кўзланган натижани беради. Аудиториядан ташқари мустақил ишлаш жараёнида эса талабани давлат тилида иш юрита олиш бўйича малакасини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Лекин мазкур ўқув қўлланмаси жуда оз - 500 нусхада чоп этилган. Республикамизда бундай қўлланмага талаб ва эҳтиёж катта эканлигини инобатга оладиган бўлсак, унинг минглаб нусхада нашр этилиши мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, С.Усмонов, Қ.Тоҳиров ва Ў.Ҳошимоваларнинг «Ўзбек тилида иш юритиш» ўқув қўлланмаси давр заруратидир. Китобнинг нашрдан чиқиши «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг бажарилиши ва ҳаётга тадбиқ этилишида беқиёс хизмат қилиши шубҳасиз. Шунинг учун муаллифларни ушбу яратувчилик иши билан, ўқувчини ҳамроҳ - қўлланма билан қутламоқ лозим.

Рустам ШАРИПОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг доценти

Бизнинг мусоҳаба

МАҚСАДИМИЗ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Фурқат Ҳасанович МАҲМУДОВ билан суҳбат

- Фурқат Ҳасанович, маълумки мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Республикамиз Президенти ҳуқуқий давлат қуриш йўлида қонун устуворлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига катта аҳамият бериб келмоқда. Бу борада туманда қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақида тўхталсангиз.

- Президентимиз И.Каримов Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлган вақтларида алоҳида таъкидлаб, «Яшаб турган жойдаги осойишталик учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро, бутун жамоатчилик масъулдир», деб яна бир бор барчамизнинг эътиборимизни жалб қилдилар. Дарҳақиқат, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, осойишталикни таъминлаш, нафақат маъмурий идоралар, балки бутун жамоатчиликнинг кундалик иши бўлиб қолмоғи лозим. Биз туман прокуратураси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари масъул ходимлари билан яқиндан алоқада бўлиб, туман ҳудудида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кескин кураш олиб бормоқдамиз. 1999 йилнинг ўтган 9 ойи давомида туман ҳудудидаги 2 та қишлоқ «Ширбуддин» ва «Отбозор», 32 та маҳалла фуқаролари йиғинларида бўлиб, бу ерда аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлдик. Уларнинг ариза ва шикоятлари, кўрсатилаётган хизматлар борасидаги эътирозларини, осойишталикни таъминлаш борасида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазаларни батафсил эшитдик. Ахир, туман ҳудудида 152 минг аҳолини бирлаштирган 32.130 оила истиқомат қилади. Шу мулоқотларда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли чора ва тадбирлар белгилаб олдик.

1998 йилнинг 9 ойига нисбатан 1999 йилнинг шу даврида туман ҳудудида жиноятларнинг умумий сони 9.8 фоизга, оғир турдаги жиноятлар 12,5 фоизга, қасддан оғир тан жароҳати етказиш жиноятлари 33,3 фоизга, безорилик жиноятлари 32,5 фоизга, жамоат жойларида содир қилинган жиноятлар 14,3 фоизга, муқаддам судланганлар томонидан содир қилинган жиноятлар 12,5 фоизга камайди.

Юртбошимиз доим «Ҳой барака топгур, ким бўлишингдан қатъий назар, оёғинг ердан узилмасин, эл-юртдан ажралиб қолмагин», деган пандни кўп такрорлайдилар. Бу деганлари айрим давлат ва нодавлат корхоналари раҳбарлари, мансабдор шахслар қилаётган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф эканлигини билсалар-да, қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар, натижаси эса ҳаммага аён, жиноят жазосиз қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 март кунидаги «Спиртли ичимликлар билан улгуржи ва чакана савдо қилинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 136-сонли қарорига биноан савдо шахобчаларига улгуржи ва майда савдо қилиш ҳуқуқи берилмаган бўлса-да, туман ҳудудидаги «Оятулло» хусусий фирмасининг бошлиғи Д.Муқимов, «Мурод-Азимўғли» хусусий фирмасининг бошлиғи А.Раҳматуллаев, «Миршод» фирмаси бошлиғи Х.Муродовлар шаҳардаги «Шоҳруд» ароқвино ҳиссадорлик жамиятидан 20-25 млн. сўмлик спиртли ичимликларни олиб, бошқа корхона ва ташкилотларга пул кўчириш йўли билан улгуржи нархда сотиб юборганлар. Юқоридаги фирмалар бошлиқларига нисбатан Жиноят Кодексининг 205-моддаси 1-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан жиноят ишлари қўзғатилган. Ахир, шу ҳолат буларнинг оёғини ердан узилганлигини кўрсатмайдими?

- Туман прокуратураси томонидан ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва моддий интизомий жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳақида ҳам маълумот бersангиз.

- 9 ой мобайнида туман прокуратураси томонидан давлат ва нодавлат корхоналарида текширишлар сонини камайтирган ҳолда аниқланган камчиликлар юзасидан 18 та моддий ва мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, бу жиноят ишлари кўриб чиқиш учун туман судига юборилган. Фуқароларнинг Конституциямизда белгилаб қўйилган меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари камситилишига йўл қўядиган корхона ва ташкилотлар маъмуриятларининг ноқонуний равишда қабул қилинган 156 та буйруқлари прокурор протести билан қонун доирасида мувофиқлаштирилган, жиноятчиликни келтириб чиқарадиган қонунбузишликни шарт ва шароитларини зудлик билан бартараф қилиш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари номига 90 та тақдимномалар юборилган, аниқланган қонунбузишлик ҳолатларини зудлик билан бартараф қилиш борасида 80 та корхона ва ташкилотлар раҳбарларига амрномалар берилган, бу тақдимномалар ва амрномаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича 232 нафар шахс интизомий жавобгарликка ва 275 нафар жавобгар шахс моддий жавобгарликка тортилиб, етказилган зарарни қоплаш мақсадида улардан корхоналар фойдасига 553 минг сўм ундирилган. Давлат ва меҳнат, молия ва солиқ интизоми ва бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган 420 нафар фуқаро ва мансабдор шахс аниқланиб, маъмурий жавобгарликка тортилган. Шу текширишлар жараёнида бошқа корхона ва ташкилотлар фойдасига 100 млн. сўмдан ортиқ дебитор қарзлар, туман пенсия жамғармаси ҳисобига 22 млн. сўмдан ортиқ тўловлар ундириб берилган. Ўз вақтида эс-ҳушини йиғиб ололмаган 166 нафар фуқаро ва мансабдор шахс ёзма равишда огоҳлантирилиб, келгусида бундай ғайриқонуний ҳолатларга йўл қўймасликлари тушунтирилди.

- Фурқат Ҳасанович, юқорида сиз тилга олиб ўтган ғайриқонуний ҳолатларга нисбатан қаттиқроқ чоралар ҳам кўриш мумкин эди-ку...

- Биласизми, мақсадимиз қонун устуворлигини таъминлаш экан, ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатлари, ҳар қандай ҳуқуқбузарликни ўз вақтида олди олинмаса, кейинчалик бу чуқур илдиз отиб, жиноятга айланиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам қонун талабларини бузган ёки унга амал қилмаган фуқаролар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан вақтида эсҳушингизни йиғиб олинг, қабилида тушунтириш ишларини олиб бориб, қонунда белгиланган чораларни кўриш асосий вазифамиздир.

Бизда жиноятни келтириб чиқарадиган шарт-шароитларнинг олдини олишга қаратилган кенг маънодаги маъмурий ва интизомий жазо чоралари мавжуд. 1999 йилнинг ўтган ойларида туман прокуратураси томонидан фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун ижросининг бажарилиши, ишчи ва хизматчиларга корхона маъмуриятлари томонидан ойлик маошларини ўз вақтида берилиши, фуқароларнинг хат-хабар, ариза ва шикоятларига билдирилаётган муносабатнинг аҳволи, аҳолига хизмат кўрсатувчи маиший корхоналарнинг иш фаолияти шу кун талабларига жавоб бераяптими ёки ўзибўларчилик ҳолатлари мавжудми, Республикамиз Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон ва қарорлари бекаму кўст бажарилаяптими-йўқми, деган маънода текширишлар ўтказилди.

Туман ҳудудидаги 205 та давлат ва нодавлат корхоналарида Республика Президентининг 1995 йил 12 май кунидаги ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июл кунидаги дебитор ва кредитор қарзларни ундириб олиш борасидаги Фармон ва қарор талабларини ўрганиб чиқиш натижалари шуни кўрсатдики, текширилган 205 корхоналарнинг 40 тасида дебитор қарзларни ўз вақтида ундириб олиш, кредитор қарзларни қонунда кўрсатилган муддатда тўлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, бу корхоналар маъмуриятлари, қолаверса, у ердаги ҳисобот ходимларининг масъулиятсизлиги натижасида дебитор қарзлар ундирилмаслиги бу корхоналар ҳисоб рақамларига маблағ ўз вақтида келиб тушмаганлиги натижасида ходимларнинг ойлик маошлари 2-3 ойлаб берилмасдан қолишига сабаб бўлган.

Ходимлар иш ҳақларини ўз вақтида бериш чораларини кўрмаганликлари учун туман ҳудудидаги «Бухоросувмахсустаъмир» корхонаси бошлиғи А.Бахтеев, «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Х.Ғуломова, Бухоро автомобиль транспорти экспедиция комбинати ҳиссадорлик жамиятининг раиси А.Н.Ибрагимов, «Соҳибкор» номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси А.Абдураҳмонов ва бошқаларга тегишли прокурор таъсир чоралари кўрилганидан кейингина бу борада ўнгланиш юз берган.

Ёки бошқа бир соҳани олиб кўрайлик. Туман ҳудудида тозаликни сақлаш, санитария-гигиена қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини кўп гапирамиз. Лекин бу борада ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эканлигига кўз юмиб бўлмайди. Туман ҳудудидаги давлат ва нодавлат тижорат савдо дўконлари, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари пишириб сотувчи ошхоналар фаолияти текширишдан ўтказилганида ҳар объектнинг иккитасидан биттасида савдо қилувчи ходимлар давлат санитария кўригидан ўтмасдан фаолият кўрсатиб келганликлари аниқланди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шуларнинг ичида бирортаси юқумли касалликка чалинган бўлса-ю, бу шахс давлат санитария кўригидан ўтмасдан фаолият кўрсатиб келган бўлса унда нима бўлади? Текширишлар натижаси бўйича 170 шундайин ҳолатлар аниқланиб, айбдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 53-моддаси билан 700 минг сўм миқдорида жаримага тортилганлар.

- Фурқат Ҳасанович, суҳбатимиз бошида туман прокуратураси ўзининг иш фаолиятида қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари маъмуриятлари билан яқиндан туриб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда бир ёқадан бош чиқариб иш олиб бормоқда, дедингиз. Айтинг-чи, бу борада олиб борилаётган ишлардан прокурор сифатида қониқасизми?

- Биласизми, айрим қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раис ва оқсоқоллари майда-чуйда ишларга ўралашиб қолиб, ўз ҳудудларида юз бераётган қонунбузарлик ҳолатларига «томошабин» бўлиб қолаётганлари ҳам сир эмас.

Туман ҳудудидаги «Отбозор» қишлоқ фуқаролар йиғини (йиғин раиси Т.Аҳмедов) ҳудудидаги «Соҳибкор» номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи бир неча фуқаролар шу ҳудуддан ўтадиган юқори босимли газ қувури юзасидаги ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, иморат қуришган. Қишлоқ фуқаролари йиғини маъмурияти бу қонунбузишлик эканлиги ва фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфлилигини билатуриб, ўзбошимча фуқароларнинг хатти-ҳаракатига «томошабин» бўлиб қолаверганлар.

Туман прокуратураси томонидан юқоридаги ҳолат бўйича туман судига даъво аризаси қўзғатилди. Бундайин қонунбузишлик ҳолатлари туман ҳудудидаги бошқа қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудларида ҳам мавжуд эканлиги аниқланиб, 40 нафар фуқарога нисбатан улардан эгаллаб олган ерларни қайтариб олиш борасида туман судига даъво аризалари қўзғатилган. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари ўз ҳудудларида қаттиқ назорат ишларини олиб борганларида бундайин қонунбузишлик ҳолатларига йўл қўйилмаган бўлур эди.

Ёки иккинчи бир мисолни олиб кўрайлик. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабр кунидаги «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 604-сонли қарорига биноан аҳолини энг зарур товарлар билан таъминлашда узилишларга йўл қўймаслик ва савдо ходимлари томонидан суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ҳокимининг фармойишига кўра туман ҳудудида аҳолига 8 хил маҳсулотларни етказиб берувчи 50 та савдо дўконлари белгиланган.

Бухоро шаҳар «Бухоро саховати» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлган 1, 6, 11, 17, 20, 41 ва 50-сон савдо дўконлари маъмуриятлари ўз ҳудудларида 17.836 фуқароларга июл ойи учун ажратилган фонддан 1946 кг, ўсимлик ёғи ва 5129 кг. шакар маҳсулотини олмасдан келган, бинобарин, бу маҳсулотлар шу ҳудуддаги фуқароларга етказиб берилмаган. Ёки шу ҳиссадорлик жамиятига қарашли 11-сон савдо дўкони мудири Ҳайдар Шарипов қатъий нарх белгиланганлигини билгани ҳолда савдога келган 3150 кг. шакарнинг ҳар бир килограммини 190 сўмдан сотиш ўрнига, 200 сўмдан сотилишига йўл қўйган. Туман прокуратураси томонидан бу ҳолат текширишдан ўтказилди. Ғайриқонуний ҳаракат аниқланиб, жамиятга жарима солинди. Корхонага етказилган зарар - 31.500 сўм миқдоридаги маблағ жамиятнинг раиси К.Нормуродов ва 11-сон савдо дўкони мудири Х.Шариповдан ундириб олиш борасида туман судига даъво аризаси қўзғатилди. Ўз-ўзидан ўринли савол туғилади. Маҳалла фуқаролари йиғинлари маъмуриятлари шу савдо дўконларидан тез-тез хабар олиб туриб, фуқароларга берилаётган маҳсулотларнинг заҳирада мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, белгиланган қатъий нархда сотилишини назорат қилишлари ҳам қарз, ҳам фарз-ку?

Шу боис яна бир карра таъкидлашни истардимки, фуқароларнинг осойишталигини сақлаш, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш фақат маъмурий идоралар ходимларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, бутун жамоатчиликнинг кундалик иши бўлмоғи лозим. Юрт, фуқаролар осойишталигини, тинчлигини сақлаш, бу борада қонун устуворлигини таъминлаш барчамизнинг муқаддас вазифамиздир.

Суҳбатдош:
С.РАУПОВ

Жиноятга жазо муқаррар

САРИҚ ҚОҒОЗГА ЎРАЛГАН «ОМОНАТ»

Яқинда Қашқадарё вилояти Китоб туманида гиёҳвандлик воситалари билан шуғулланганларнинг бир гуруҳи туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. 1976 йили туғилган Акром Рўзиевнинг гиёҳвандлик моддаларини олиб-сотиш билан шуғулланаётгани тўғрисида Китоб туман ички ишлар бўлимига маълумот тушади. Бўлимнинг тезкор вакиллари белгилаган тадбирга кўра шу йилнинг 15 март куни фуқаро Зафар Турдиев Китоб шаҳрида истиқомат қилувчи Акром Рўзиевникига бориб, ундан ҳалиги нарсадан топишнинг иложи борми, деб сўраганида Акром бир танишида борлигини, пул бўлса дарҳол муҳайё қилишини айтади. Зафар Акромга 2000 сўм беради. Акром пулни олгач, Янгиобод кўчасида яшовчи фамилиядоши Рўзиев Собирникига йўл олади ва уни йўлда учратиб: «Мана шу пулга яраша озроқ наша керак эди, мижоз кутиб турибди» дейди. Бундан хурсанд бўлган Собир 2000 сўмни олади ва Акромни шу ерда қолдириб, Мустафоев Ўткирникига жўнайди. Ўткир дўсти Собир билан олдиндан танишлиги сабабли унга ишонади ва озгина қолган эди, деб сариқ рангли қоғозга ўралган 1,1 грамм миқдордаги гиёҳванд моддани 300 сўмга пуллайди.

Иши ўнгидан келган Собир 100 сўмни «хизмат ҳақи» сифатида чўнтагига уриб, қолган 1600 сўм билан сариқ қоғозга ўралган «омонат»ни Акромга беради. Акром қоғозни очиб, 1,1 грамм нашадан 0,2 граммини уриб қолади ва бу етмагандек хизмат ҳақи эвазига 200 сўмини олиб, қолган 1400 сўм билан 0,9 грамм гиёҳванд моддани Зафарга беради.

Хуллас, Акром кайфиятини чоғ қилиб, уйига қайтиб кетаётганида Китоб туман ички ишлар бўлимининг тезкор ходимлари уни қўлга олишмоқчи бўлишади Буни сезган Акром дарҳол фойдага қолган гиёҳванд моддани оғзига солиб, ҳазм қилиб юбормоқчи бўлади. Милиция ходимлари холислар иштирокида унинг оғзидаги «ўлжа»сини, фойдага қолган 200 сўм ҳамда Турдиев Зафарга сотилган 0,9 грамм гиёҳванд модда билан 1400 сўмни хужжатлаштирадилар. Рўзиев Акромдан олинган 200 сўм пул ва 0,2 грамм наша, Рўзиев Собирнинг чўнтагидан чиққан 100 сўм ҳамда жами 1,1 грамм сариқ қоғозга ўралган гиёҳвандлик модда жиноят иши юзасидан далилий ашё сифатида ишга тиркалади. Экспертиза хулосасига кўра, бу воситалар «марихуана» туридаги гиёҳванд модда экани тасдиқланди ва айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Яқинда Китоб туман судида бўлиб ўтган суд мажлисида уларнинг иши кўриб чиқилди. Айбдорларнинг ҳар бири узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ, мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисида ҳукм чиқарилди.

Табиийки, бу нисбатан ёш йигитларни шундай жиноят қилишларига сабаблар бор. Бош сабаб эса уларнинг ҳалол меҳнат қилишга бўйинлари ён бермай, енгил-елпи йўл билан пул топишга ружу қўйганликларидир. Мана, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: Собир Рўзиев 1974 йили туғилган, ҳеч қаерда ишламайди. Илгари ҳам судланган бўлишига қарамасдан, тўғри хулоса чиқара олмаган. Тавбасига таяниб,- фойдали меҳнат билан шуғулланганида эди юзи яна шувит бўлиб, панжара ортида ўтирмаган бўларди.

Ўткир Мустафоев ҳам ўттиз уч ёшдан ошганига қарамай, иш жойининг тайини йўқ. Уч нафар фарзанднинг отаси. Илгари у ҳам судланиб, жазони ўтаб чиққан. Фарзандлари тақдирини ўйлаган ота тузукроқ иш топиб, рўзғорини тебратиб юрса бўлмасмиди, дейишингиз тайин.

Эндигина 23 ёшни қаршилаган Акром Рўзиевнинг ҳам тақдирига ачинади, киши. Ҳали уйланмаган бу йигит шу пайтгача ота-она қарамоғида яшаб, ҳеч қаерда ишламай келган. Айни навқирон, кучга тўлган пайти ишлаб, уйланиб, ота-онасининг жонига оро кирадиган паллада ёш умрини хазон қилиб, энди узоқ йиллар қамоқхонада ўтиришига тўғри келади. Афсус!

Ҳа, ҳуқуқий демократик жамият қуриш сари интилаётган давлатимизда қонун устуворлиги асосий масалалардан бири эканлигини ҳеч қайсимиз унутмаслигимиз керак. Ҳар бир киши ўзи қўл ураётган ишга, босаётган қадамига масъул бўлмоғи керак. Чунки қонун ҳаммага баравар.

Даврон АШУРОВ,
Китоб тумани суди судьяси

Тараддуд

НОМЗОДЛАР ТАНЛАНМОҚДА

2000 йил бўсағасида ўтказиладиган бу галги сайловлар мамлакатимиздаги демократиялаш жараёнининг яққол ифодасига айланди.

Демократик сайлов мамлакат Президентлигига, қонун чиқарувчи ҳокимият, бошқарув органлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш жараёнида айниқса, равшан намоён бўлаяпти.

Хоразм вилоятида аҳолининг ташаббускор гуруҳлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган мустақил номзодлар сони ўнтага етди. Шунингдек, воҳада фаолият кўрсатаётган партиялар ҳам мазкур сиёсий ташкилотларнинг бутун республика анжуманлари орқали ўзларининг муносиб номзодларини тавсия этдилар. Куни кеча эса ҳокимият вакиллик идораларидан ҳам мамлакат Президентлиги ва Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Вилоят фаоллари кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги XVI сессиясида вилоят ҳокими И.О.Бобожонов мамлакат Президентлигига И.Каримов номзодини кўрсатди. Депутатлар бу таклифни бир овоздан маъқулладилар ва сессия бу ҳақда якдиллик билан қарор қабул қилди.

Олий Мажлис депутатлигига эса вилоятда таркиб топган 14 сайлов округининг барчаси бўйича номзодлар кўрсатилди. Шуниси эътиборлики, ҳокимият вакиллик идораларидан Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган муносиб кишилар орасида адлия тизими хизматчиси, Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Илгизар Матёқубович Собиров ҳам бор. Тизимимизнинг фаол ва жонкуяр вакиллигига бўлгуси сайловларда омад тилаймиз.

М.ҲАЙИТОВ,
вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Воҳким!..

САҒИР ҚИЗНИНГ ҚИСМАТИ

Одам боласининг ўз жонига қасд қилиши нафақат қонунларимизда, ҳатто динимизда ҳам қаттиқ қораланади. Ўзини-ўзи ўлдирмоқ мўмин кишининг иши эмас. Инсон қурби етгунича ёвузларнинг зулмига қарши курашиши керак. Башарти қурби етмаса сабр қилиши, ёруғ кунларни худодан тилаб яшаши лозим. Ўзбекчилигимизнинг ҳам, дину диёнатимизнинг ҳам яхши таомили шу.

Мабодо, бирор кишига «фалончи ўзини нобуд қилибди» десангиз, «ё алҳазар, нодонлик қилибди, иймонини қуйдирибди» дея ёқасига туфлайди. Кимнинг қанча миқдорда иймони бор, уни қуйдирдими, йўқми, биз ушбу миқдорни ўлчашга ожизмиз. Аммо ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, навқирон ёшлик даврида дугоналари даврасида хандон отиб чақчақ уришга улгурмаган 20 ёшли Барчиной гулдек вужудини оловда куйдирди. Марҳумани қоралаш марднинг иши эмас. Биз фақат фожиа тафсилотларини баён этиб, бошқаларни инбаъд бундай нодонликни такрорланмасликка даъват этмоқчимиз...

Тақдир экан, Шўрчи туманидаги Ж.Хўжамиёров номли жамоа хўжалигида яшовчи Шариф Жумаевнинг кўз очиб кўрган ёстиқдоши бандаликни бажо қилди. Шарифбойга хотинидан тотли турмушнинг ёди ва бир-биридан ширин фарзандлари мерос, ёдгор бўлиб қолишди. Унга фарзандларини онасиз ўстириш, тарбиялаш оғирлик қилди. Чунки қиз болалар билан яқиндан тил топишиш учун ўғай бўлса ҳам оналик қилувчи аёл керак эди. «Онасиз етим - шўр етим» дейдилар. Охири бўлмади. Уни бефарзанд Беккам Хуррамовага уйлантириб қўйишди. Ёру биродарлар, қавму қариндошлар Беккамҳондан ёруғ оқибатларни умид қилишганди. Кўнгли ярим сағирларга она меҳрини берар, туққан она эмас, боққан она, дейди доно халқимиз. Аммо Беккам бадфеъл хотин бўлиб чиқди. Ўғай фарзандлар билан, айниқса, 20 ёшли Барчиной билан сира-сира келишмади. Худонинг берган куни жанжал. Бунинг устига уйнинг сарвари бўлмиш Шарифбой рўзғорга яхши раҳбарлик қилолмади. Болалар ва ўғай онани муросага келтиролмади. Инсофни хотиннинг ўзига бермаса, нима ҳам қиларди. Қўшнилар деярли ҳар куни ўғай она Беккам Хуррамова билан Барчиной ўртасидаги даҳанаки жангни кўриб, бепошна, ҳақоратли айтишувларни эшитавериб, ёқа ушлар эдилар. Баъзи бирлари кўчада ўтиб кетаётиб тартибга чақиришарди. Аммо ўғай она ўз билганидан қолмасди. Қизни ўзича кучли тарбия қилмоқчи бўлиб, унинг ғашига тегар, ўрталаридаги жанжаллар бора-бора ўзи билмаган ҳолда Барчинойни серхархаша қилиб қўйди.

Беккам турли баҳонаи сабабларни рўкач қилиб, ўғай қиз Барчинойни уриб саваларди, «Онангни зоти паст эди, сен қора гўр бўласанми?» дея камситар эди. Ана шундай камситишлару ҳўрлашлар билан унинг тенгдошлари орасида қадр-қимматини камситиб, ерга уриб ҳаётдан кўнглини совутди. Бу машмашалар охири Барчинойнинг ўз жонига қасд қилиши билан ниҳояланди.

Шу йилнинг 12 апрели эди. Одатдагидек ўғай она ва қизнинг даҳанаки жанги авж пардага чиққан. Ўз юмушлари билан уларнинг уйи ёнидан ўтиб кетаётган Тожихол ва Мелихол исмли аёлларни Беккам Хуррамова ҳовлига чақириб олади. Уларнинг кўз олдида Барчинойни камситиб шундай дейди:

- Бу зоти паст етимчанинг тентаклигини кўринглар, гилос дарахтига қатиқ солинган халтани осиб қўйибди. Ахир, дарахт қуриб қолмайдими?

Қўшнилар ўзларича уларни юпатиб, муросага чақиришган бўлишди:

- Ҳали ёшда, билмаганда... Сузма халтани бошқа жойга илиб қўя қолинглар.

Ўғай она эса юмшашни хаёлига ҳам келтирмай жазава отига минади.

- Эҳ-е, ёш дейсизлар, бунинг ёшлиги қолибдими? Кунда эрсираб кўчадан бери келмайди-ку! Онасининг қони бор-да, бунинг томирида. Тентак бўлмаса уй супурадиган супургини молхонага ишлатадими? Ўзиниям молдан фарқи йўқ. Қайси вақт чойнакни лойқа сувда ювиб расво қилди.

Марҳума Барчинойнинг сўзлар билан ҳақорат қиларди. Шу бугун ҳам бир дугонам ўқишдан келган экан. Мен унинг уйига у тушган расмларни томоша қилиш учун боргандим. Қайтиб уйга келганимдан бошлаб мен билан урушиб кетди. «Қаерда юрибсан? Сен эрсираб қолгансан! Оёқ-қўлингни боғлаб, тентакхонага олиб бориб ташлайман» деди. Мен анча чидаб боқдим, лекин тоқатим тоқ бўлди. Шундан сўнг бу кунимдан ўлганим яхши деб, кийимларимнинг устидан солярка қуйиб ёқиб юбордим...»

Гувоҳ сифатида суҳбатлашганимизда марҳуманинг опалари Дилбар ва Гуласал Жумаевалар, укаси ҳамда синглиси Музаффар, Ферузалар ҳам ўғай оналаридан бирор кун рўшнолик, меҳрмурувват кўрмаганликларини, Барчинойнинг эшитгани фақат ҳақорат бўлганлигини айтишди.

Гувоҳ Абдуҳақим Хущбоқовнинг кўргазма беришича, Беккам Хуррамова пасткашларча қизнинг баданидаги экзема (эсканлаш) касаллигини ҳам юзига солиб, камситиб келган.

Қизнинг раҳматли онаси «иқболини кўрай, бўйга етса бир алпомишкелбат йигитга насиб этсин» деган ёруғ умидлар билан Барчиной деб исм қўйган бўлса керак. Афсус-надоматлар бўлсинки, Барчиной она ниятқилгандек бахтли-саодатли бўла олмади. Бу қора кундан кўнгилларда ўчмас доғ қолди.

Ўғай она Беккам Хуррамованинг жиноий хатти-ҳаракатлари тергов ва суд жараёнида тўлиқ ўз исботини тоган бўлса-да, юртбошимизнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармонига мувофиқ у қонунда белгиланган жазони ўташдан озод қилинди...

Унинг аёллиги, тавба-тазарруси, юртбошимизнинг юқоридаги Фармонларига мувофиқ инобатга олинди. Ҳа, у Амнистия туфайли битта жазодан озод этилди. Аммо инсон учун энг оғир жазо бу - виждон азоби, иймон сўроғидир.

Усмон ЙЎЛДОШЕВ,
Шўрчи тумани прокуратураси терговчиси,
Олломурод БАХТИЁРОВ

Гиёҳвандлик - иллат

ОҒУ ГИРДОБИДАГИ ЎЙИН

ёхуд чучварани хом санаганлар

Фахриддин узоқ хаёлга чўмди. У ўзини худди қил қўприкдан ўтаётгандек сезар, оёғи остида бамисоли жаҳаннам ўти ёнаётгандек. Шу боис Ёқутхоннинг келганини сезмай қолди. Бир қадам икки... Шу пайт кимнингдир «Қўлингизни беринг!», деган нидоси эшитилди. «Нажот фариштаси» уни кўзлаган манзили томон етаклаётгандек бўлди. Бир маҳал аёл қўллари оҳиста ортга қайта бошлади. Ёқутхон йигит билан сўрашмоқчи бўлган, аммо унинг тахтадек қотиб туриши энсасини қотирганди. Аста қайтиб кетмоқчи эди, Фахриддиннинг ялинган овозини эшитди:

- Тўхтанг, тўхтанг! Кетиб қолманг, илтимос! - йигит бемажол қўлларини Ёқутхоннинг кафтига босди.

- Ҳа, - деди аёл қулиб, - тинчликми, оёғи куйган товуқдек типирчилайсиз? - унинг гапи Фахриддинни ўзига келтирди.

- Ёқутхон опа, сизда ишим бор, - дея яна сукутга чўмди.

«Олтин девор» спектаклини ҳамма кўрган. Бош қаҳрамоннинг девор орасидан топилган олтин кўйида «тош-тош», дея талвасага тушиши Фахриддиннинг ҳозирги ҳолати билан ўхшаш эди... Тўғри, у олтин топиб олмаган, лекин...

Ҳамма бало ўша кундан кейин бошланди. Йигит қассобхонада ишни тугатгач, уйга қайтаётиб, йўл чеккасидаги арикда қўлини ювмоқчи бўлди. Қиш эмасми, сув совуқ. Энгашиб қўл чаяркан, ариқ бўйида ўроғлиқ турган буюмга кўзи тушди. Очиб қараса, қорадори экан. Шу-шу Фахриддиннинг юриш-туришида ҳаловат йўқолди.

У Чинобод қишлоғидаги хусусий гўшт дўконида қассоб эди. Ёқутхон билан анчадан бери танишлиги, қолаверса, аёлнинг тижорат билан шуғулланишини билгани боис унга «ёрилади». Нияти гиёҳванд моддани харидор топиб сотиш, бойлик орттириш эди.

- Тинчликми, ахир? - такрорлади Ёқутхон йигитнинг ғалати аҳволини кўриб.

- Сизга нима десам экан... Шу, менда «ҳалигиндан» бор эди.

- Нимайди, қўчқор ёғими? - Бу гапдан йигит кулимсиради.

- Э, ундан ҳам зўри!

- Олтинми?

- Наркотик бор.

- Наркотик? - аёл беихтиёр унинг сўзини такрорлади. - Уни нима қиламиз?

- Ҳамма гап шунда-да. Сизга бекорга «ёрилганим» йўқ. Харидор топиш керак. Сиз бўлса, ишнинг кўзини биласиз, - бу мақтов аёлни эритиб юборди. - Қуруқ қўймайман, - деди йигит унинг талтайганини кўриб, бир-бирларига сирли қараб олишди.

Фахриддиннинг таклифи Ёқутхонни сира тинч қўймади. Ётса ҳам, турса ҳам миясига шу гап келаверди. Охири дугонаси Мукаррамхон Хожиевага маслаҳат солди.

Иккаласи Фахриддинни ҳам олиб, Наманган шаҳрига Ёқутхон Жалиловнинг таниши Ж.Ҳамидованинг уйига йўл олишди. Чунки Ёқутхон билан Мукаррамхон олдинроқ у билан учрашишган ва қорадорига харидор кераклигини айтишганди. Ж.Ҳамидова билан Андижонга ташриф буюрган Абдураҳим Отахонов ҳам улар айтган «ноёб» моддага харидор бўлди.

Автобус Наманганга етиб келганида кўнгиллари сал хотиржам тортди. Кўзланган жойга эсон-омон етиб олишгач, бу хотиржамлик қувончга айланди. Балиқчилик меҳмонлар хонадон бекаси билан қуюқ сўрашишгач, муддаога кўчдилар. Хона ичида уч савдогар, уй соҳибаси ва Абдураҳим савдони пишитишди.

Энди икки оғиз сўз Абдураҳим Отахонов тўғрисида. У Наманган шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмасининг тезкор вакили бўлиб, мақсади содир бўлаётган жиноят илдизига болта уриш эди.

Шундай қилиб, пул деса ўзини томдан ташлайдиган Балиқчи туман Чинобод қишлоғилик Фахриддин Тожибоев 14 йил, Ёқутхон Жалилова ҳамда Мукаррамхон Хожиевалар 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Уларнинг мол-мулки мусодара этилиб, жазони қаттиқ тартибда ўтайдиган бўлишди. Ана сизга оғу гирдобидаги ўйиннинг оқибати...

Иномиддин КАМОЛОВ,
Наманган туман прокурори,
Алишер ЖЎРАЕВ,
журналист

МАНГУБЕРДИ ҚОЛДИРГАН МАНГУ МЕРОС

Давлатчилигимиз тарихидан

Ўзбек давлатчилиги тарихни ўрганишга алоҳида эътибор берилаётган ҳозирги даврда Хоразмшоҳлар, айниқса, Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий ва давлатчилик фаолиятини таҳлил ва тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаётганидек, буюк аждодларимиз меросини, давлатчилик, маънавий соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш Ўзбекистоннинг нафақат бугунги, балки келажаги учун ҳам жуда зарурдир. Тарихсиз келажак йўқ. Буюк аждодларимиз Турон заминда шундай улкан ютуқларни қўлга киритган ва шундай серқирра маънавий бойликларни яратганларки, уларни дунё аҳли чуқур ҳурмат ва ҳайрат билан тан олади, қадрлайди. Ватанимиз тарихида ана шундай улуғ сиймолардан бири Хоразмшоҳлар салтанатининг сўнгги вакили Султон Жалолиддин Мангубердидир.

Муҳаммад Хоразмшоҳ вафотидан олдин онаси Туркан хотин тазйиқи билан тахтга Қутбиддин Ўзлоқшоҳни меросхўр қилиб тайинлаган қарорини бекор қилади. У Ўзлоқшоҳ, Оқшоҳ ва Жалолиддин ўғилларини ўз олдига чақириб дейди: «Салтанатимиз таянчлари заифлашди, қулатилди, давлатимиз иплари узилди. Душманнинг ниятлари энди маълум, унинг ўткир панжалари мамлакат танасига маҳкам ёпишган. Мен учун душмандан Жалолиддин Мангуберди қасос ололади. Шунинг учун мен уни тахтга меросхўр қилиб тайинлайман».

Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғуллар ҳужуми арафасида ўз давлатининг қулашига сабаб бўлган кўпгина хатоларга йўл қўйган бўлса-да, ич-ичидан Жалолиддин Мангубердини меросхўр этиб тайинламагани учун эзилиб юргани аниқ. Мангуберди ҳақидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, у қаттиққўл, мураккаб вазиятларда ўзини йўқотиб қўймайдиган, дадил ҳаракатлар ва қарор қабул қилишга, ҳатто ўз тазйиқини ўтказиш учун куч ишлатишга шай шахс бўлган. Ундаги бу фазилатларни Муҳаммад Хоразмшоҳ пайқамаслиги мумкин эмас эди. Муарриҳ Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Жалолиддин Мангуберди «бад хулқли киши эди ва ўз давлатини ёмон идора қиларди. У ёвлашмаган мулкига ёпишмаган бирорта ҳам қўшни давлат ҳукмдорлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам зарур пайтда унга ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмайди». Бироқ бошқа бир тарихчи Султоннинг шахсий котиби Шаҳобиддин ан-Насавий ўзгача ёзади: «У, яъни Мангуберди қорача, узун бўйли бўлмаган, туркий ҳамда форс тилида ҳам гапирувчи киши эди. Унинг ботирлигига келсак, у шерлар орасида шер эди ва чавандозлар ўртасида энг довюраги ва қўрқмаси эди. У ҳеч кимни ҳақорат қилмас, аччиқланмас, беозор киши эди. У доим жиддий, ҳеч қачон кулмас, камгап эди. У адолатни яхши кўрарди, аммо нотинч даврларда, унинг характери ўзгариб турарди. У ўз қўл остидагиларнинг ҳаётини енгиллаштиришни истарди, бироқ таназзул даврида ҳукмдорлик қилгани учун куч ишлатишга мажбур бўларди».

Хоразм, Моваройннаҳр, Хуросон, Мазандарон, Керман, Ироқнинг Форс қисми, Озарбойжон, Сейистон, Ғазна каби бир қатор вилоятларни ўз ичига олган буюк давлат эди. Бу давлатни бошқариш ва ташқи ёвлардан ҳимоя қилиш мустаҳкам идора тизимларини ва кучли қўшинга эга бўлишни талаб этарди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ давридаёқ бошқариш тизимлари ва кучли армия ташкил топган эди. Ҳатто тарихий маълумотларга қараганда Хоразмда барча аҳолининг ҳарбий санъатни ўрганиши шарт ҳисобланган. Мўғулларга қарши жангларда ҳатто аёллар ҳам аскарлар билан ёнма-ён жанг қилган. Равандий, Закария, Ал-Қазвиний, Ан-Насавий, Ибн ал-Ибрий, Ибн Халдун ва бошқа муарриҳлар Хоразм шаҳарларида махсус сон-саноқсиз лашкарлар бўлгани, улар зарур пайтда тўпланиб, ёв томонга отланиши катта маҳорат билан йўлга қўйилгани ҳақида ёзадилар. Масалан, Равандий, Хозарасп Хоразмшоҳ далатининг йирик таянчларидан бири «унинг ҳар бир кишисига қилич ва найза, жанг қилиш она сути билан кирган» деб ёзади. Ҳисоб-китобларга қараганда, мўғуллар бостириб киришидан олдин Хоразмшоҳнинг 600 минглик махсус жангга ўргатилган кучли қўшини бўлган. Ҳар бир аскарга махсус қурол-аслаҳа, кийим-кечак, пул маблағлари ажратилган. Албатта, жанг майдонларида тушган ўлжаларнинг ҳар бир қисми аскарларга тақсимлаб берилган.

Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий маҳорати, ташкилотчилик қобилияти, Ватан ҳимояси учун юртдошларини уюштира олиш санъати отаси вафотидан кейин яққол намоён бўлди.

Ўзига қарши уюштирилаётган фитнадан хабар топган Жалолиддин Мангуберди Гурганжни (Урганчни) атиги 300 отлиқ билан тарк этади. Икки кун ўтгач, у мўғулларнинг 700 дан зиёд отлиқ жангчиларига дуч келади. Душманни тор-мор қилади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган муаррих Ан-Насавий «илк бор мусулмон қиличи мўғуллар қонига бўялди», деб ёзади. Бу ғалаба Жалолиддинни янги жангларга ундайди. У лашкарларини кенгайтиришга интилади. Қаннаҳор ёнида унга Амин ал-Мулк ўзининг 10 минг отлиқ аскарлари билан қўшилади.

Ғазна шаҳрида Сайфиддин Игроқ, Аъзам Малик, ал-Ҳасан қўшинлари ҳам келиб қўшилади. Тез орада Жалолиддин Мангуберди қўшини 130 минг аскардан ошади.

Кучли душман томонидан таъқиб қилинаётганлигига қарамай, бор кучларини тўплаб мўғулларга қарши қўйишнинг ўзи улкан жасорат эди.

Синд ёнидаги жангда Жалолиддин кўрсатган ботирлик санъати ҳатто Чингизхонни ҳам ҳайратга солади. Жалолиддин оиласи мўғуллар қўлига тушиб қолишидан қўрқиб, ўз ҳарамини дарёга чўктиришга буйруқ беради ва ўзини отда сувга ташлайди. Соғ-саломат нариги қирғоққа чиқиб олган Жалолиддинни кўрган Чингизхон дейди: «Отада шундай ўғил бўлмоғи керак!» Қирғоққа ҳаммаси бўлиб 4 минг отлиқгина сузиб ўтади. Тез орада Жалолиддин Шимолий Ҳиндистонда 30 минг отлиқ лашкар тўплайди. Жалолиддин Мангубердида Ватан озодлиги учун ёвга қарши нафрат шунчалик кучли эдики, қувғинда бўлишига қарамай, қайта ва қайта қўшин тўплаб, Хоразм давлатини сақлаб қолишга интиларди. Буни эса ўша бераҳм давр талаби - тиғ ва куч билан амалга ошириш мумкин эди. Ҳиндистондан Исфаҳонга қайтаётганида Жалолиддиннинг 100 минг, Кавказга юриш қилганида эса 200 минг отлиқ лашкари бор эди. Ҳатто Ибн ал-Имод ал-Ҳанбали Жалолиддиннинг 300 мингдан зиёд қўшини бўлганини ёзади.

Лашкар ўзига хос тарзда бошқарилган. Хоразмшоҳ девон ал-ард, Назир ал-жайш, муқаддамларни тайинлаган. Муқаддам Хоразмшоҳлар армиясини бошқарувчи юқори ҳарбий лавозим бўлган. У баъзан ал-муқаддам алал асакир деб аталган. Жалолиддин Мангуберди бу лавозимга жангларда тажриба орттирган хонларни тайинлаган. Эътиборлиси шундаки, нафақат юқори лавозимдаги бадавлат кишилар, балки малик унвонига эришган оддий навкарларга ҳам хон унвони берилган. Малик 10 минг кишилик гуруҳни бошқарган. Малик ўз қўли остидаги навкарларини қуроллантирган, уларни озиқ-овқат билан таъминлаган, ҳатто шоҳ ҳузуридаги ҳарбий кенгашларда қатнашган. Мангуберди жанг олдидан вилоятлар ҳарбий бошлиқлари - соҳиб-жайш ва муқаддам, девон ал-ард маликларни йиғиб, ўзига хос кенгаш ўтказган.

Шиҳн - босиб олинган вилоятларни бошқарувчи мансабдор бўлган. Шиҳн шоҳнинг яқин ва ишонарли кишилардан, баъзан эса ўша вилоятнинг содиқ хонларидан тайинланган. Ал-Кашкандийнинг хабар беришича, Жалолиддин Мангуберди Хуросон шихни қилиб амир Қулихонни, Исфаҳонга эса Нусратдин Муҳаммадни, Озарбойжонга амир Бадриддин Тутақни, Ҳамадонга амир Садир Маликни тайинлаган.

Салтанатдаги шаҳарларни эса Жалолиддин Мангуберди томонидан тайинланган вазирлар бошқарган. Вазирлар Хоразмшоҳ Мангубердининг доимий кузатувида бўлган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, ушбу вазирлар ичида кишиларга ноҳақ зулм ўтказганлари зудлик билан алмаштирилган.

Сарой ишларини бошқариш учун тайинланган устоздор барча хўжалик ишларига бош бўлиб, сарф-харажатларни, хазинани ҳисоб-китоб қилиб борган. Шунингдек, амир-охур (отхона бошқарувчиси), амир-шикар (овни уюштирувчи), тоштдор (ётоқхонани), шаробдор, қиссадор (арз йиғувчи), жошнагир (синовчи еювчи), доватдор (котиб), фаррош ва аламдор (байроқдор) каби лавозимлар бўлган. Уларнинг садоқати, хизматига қараб Мангуберди лавозимларини оширган. Масалан, тоштдор Аёзни кейинчалик Жалолиддин Фаррухни Малик даражаларига кўтарган.

Жалолиддин Мангуберди эса аввало аҳоли ишончига, ҳурматига сазовор бўлишига, фуқароларнинг осуда ҳаёт кечиришини таъминлашга ҳаракат қилган. Шунинг учун кўпгина вилоятлар фуқаролари унга хайрихоҳлик билдириб қўллаб-қувватлаганлар. Масалан, Исфаҳон аҳолиси уни шодлик билан кутиб олган. Жалолиддин бизни мўғул босқинидан халос қилади, деб умид қилган. Маълумки, бу даврда Исфаҳон Ғиёсиддин Пиршоҳ қарамоғида эди. Ғиёсиддин амалдорлари ва аскарларининг зўравонлиги ва ўзбошимчаликлари халқ норозилигини оширган эди.

Жалолиддин Мангубердининг мақсади мўғул босқинчиларига қарши қаратилгани шубҳасиз. У ўз Ватанини озод қилиш, Хоразм салтанатини сақлаб қолишга интилган. Шу билан бирга у Чингизхон қўшинларининг устунлигини ҳам яхши тушунган. Худди шунинг учун ҳам у мусулмон давлатлари ҳукмдорлари, айниқса, Халифа ан-Носир билан иттифоқ бўлиб, мўғулларга қарши жанг бошлашга умид қилган. Бироқ Хоразмнинг кучайиши ан-Носирга ёқмаган. Шунинг учун у Хоразмни Чингизхон томонидан босиб олинишини истаган. Ҳатто Чингизхон билан зимдан хат-хабар олишиб тургани ҳақида муарриҳлар асарларида турли фикрлар мавжуд.

Исломий эътиқод асосида бирлашиб, мўғулларга зарба бериш Жалолиддин Мангуберди томонидан илгари сурилган энг ўринли ғоя эди. Айнан мана шу ғоя асосида у ўзининг улкан давлатини ҳам тузди. Унинг асирга тушган грузин аскарларини ислом динини қабул қилишга даъват этгани бу фикримизни тасдиқлайди.

Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳлар давлатини нафақат янги ўлка ва вилоятлар билан кенгайтиришга, шу билан бирга, унинг чегараларини мустаҳкамлаш ниятида қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатишга ҳам интилди.

Хуллас, Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг XIII аср бошларида буюк салтанатни мустаҳкамлаш ва бошқариш, чет эл босқинчиларига қарши курашида кўрсатган улкан жасоратлари ҳар томонлама ибрат олишга лойиқдир.

Т.ҲАМРОЕВ,
ТДЮИ Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудири

Ҳуқуқшунос илҳоми

ҚАЛБ ҚЎРИМНИ ТУЯРСАН...

Нодир АҲМЕДОВ, нуроний отахонимиз, узоқ йиллар пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ИИБ тизимида хизмат қилган, милиция майори. Дориломон кунлар файзидан илҳоми жўшиб, шеърлар машқ қилади. Янгисини ёздими, неваларига ўқиб беришни яхши кўради. Машқларидан айримларини сизга ҳам улашмоқдамиз.

ТУЛПОР ОТИМ

Тулпор отим, шуҳратинг кенг оламни тутибди,
Чопганда мошиналар қолиб кетди изингда.
Тойчоқликдан эркалаб парвариш қилдим сени,
Узоқ-узоқ йўлимни яқин қилган ўзинг-да...

Улоқларда чопганман, олганман совринларни,
Пойгаларда маррага учдинг мисли Бойчибор.
Пешонангни силайман, тарайман ёлларингни,
Чехрангни нур сочиши осмондаги ойча бор.

Ер тепиниб кишнайсан, мени чақирасан-да,
Қалб қўримни туярсан дўстим меҳрибонимдай.
Тоғларни гумбирлатган туёқларинг товуши -
Юрагим уришидай - танда қайноқ қонимдай...

ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙ

Улуғ диннинг пешвоси, валийси, донишманди,
Ҳар ҳикмати бебаҳо, бебаҳодир ҳар панди,
Қутлуғ изидан бориб қанча диллар покланди -
Хўжа Аҳмад Яссавий устозимиз, пиримиз.

Эл-юрт ғамида яшаб, улус ҳолин сўрдилар,
Ҳар нафасда охиратдан тадоригин кўрдилар,
Етим-есир, бечора, ўксикка ғамхўрдилар -
Хўжа Аҳмад Яссавий устозимиз, пиримиз.

Деди: Роҳат йўқ, наф йўқ олам тахти ичинда,
Қолма кўру кар бўлиб дунё бахти ичинда,
Тангрига қил ибодат саҳар вақти ичинда -
Хўжа Аҳмад Яссавий устозимиз, пиримиз.

Улуғ бобо, ушбу кун қадрингизни билдикми?
Ўгитингизни дилга байроқ каби илдикми?
Қошингизда Қуръондан тиловатлар қилдикми?
Хўжа Аҳмад Яссавий устозимиз, пиримиз...

Нодир АҲМЕДОВ

Ҳеч гуси сонда!

ПАНЖАРА ОРТИДАГИ «МУКОФОТ»
ёки ҳовлидаги антиқа ўсимлик

Насиб этса...

ЯҚИН 50 ЙИЛДА НИМАЛАР БЎЛАДИ?

XXI аср бўсағасидамиз. Инсониятни кўп нарса кутаяпти. Бу табиий. Қолаверса, «насиб бўлса» деб яхши ният қилайлик. Америкалик оламга танилган икки олим - Бред Уиннерс ва Дэвид Пект худди шундай деб, тубандагиларни илмий жиҳатдан «кафолатлашибди»:

- 2000 йил охиригача саратон (рак) касалини самарали давоси топилади ва бу муаммо ортда қолади;

- 2010 йилга келиб тугмадекки на хирург-роботлар яратилади. Уни ютсангиз кифоя, кўричагингизми, бошқа жарроҳлик аралашуви лозим жойингизми, «ўзи топиб» олади ва кесиб-ямаб ташлайди;

- 2001 йилда дунёни уяли (сотовий) телефонлар қамраб олади. Яқин 2-3 йил ичида унинг экранли - видеотелефон тури кириб келади ва дунёнинг барча бурчак ва чеккалари билан ҳар бир одам видеотелефонда гаплашаверадиган бўлади;

- 2020 йилдан бошлаб Марс сайёрасига учадиган «пассажир» кемаси уча бошлайди. Насиб бўлса, у ерда марсёнғоқ, бақлажон кабиларни экиб бошлаймиз;

- 2025 йилга келиб оддий қўл соатларимиз танамиздаги барча дардлардан огоҳ этиб турадиган бўлади. Поликлиникалар, касалга ташҳис қўювчиларнинг иши роса «енгиллашади»;

- 2029 йилларда инсон организмидаги жароҳатланган клеткаларни даволаш оддий нарсага айланади;

- 2043 йилга келиб, ўлганларни тирилтириш даврига қадам қўямиз. Унда кимгаки «Ўлма, шоввоз» десангиз, охири ижобат бўлиши кафолатланадиган бўлади. Аммо бу тириклик абадий дегани эмас;

- 2044 йилдан бошлаб дунёда кўпайиб кетадиган роботлар «эр-хотин» бўлишиб, болаларини ясашга киришади, уларни мустақил кўпайтиришади, тарбиялашади.

Қаранг-а, қандай келажак кутаяпти, инсониятни! Келинг, ёқа ушлаб, учини тишлаб, «насиб бўлса» деб турайлик-чи!

ОАВ хабарларидан Мулла САЙИЛГОҲИЙ тайёрлади

- 2006 йил дунёда тақир бошлар, каллар учун қувончли давр бошланади. Истаган миқдор ранг ва ҳажмда бошларда сочлар ўстирилиши йўлга қўйилади;

(Расмлар Дж. А. ГЕРМАНга тегишли, десак ҳам бўлаверади).

Бизга ёзадилар

«ШИРИНТЕПА»ДАН «АЧЧИҚ»ЛАНИБ ЮРАВЕРАЙМИ?

Ҳурматли «Инсон ва қонун»!

Оилада 8 киши яшаймиз. Акам Ҳасан Тўйчиев Қашқадарё вилояти Косон тумани «Ширинтепа» жамоа хўжалигида ишлар эди. Ишлаб чиқаришдаги фалокат туфайли 1992 йил 12 октябрда ҳалок бўлди. 1994 йилга келиб акамнинг хотини Салима Сатторова ҳам бетобликдан вафот этди. Улардан 3 нафар ёш бола етим-қаровчисиз қолди. Мен уларни ўз қарамоғимга олдим. Васий сифатида расмийлаштирилдим. Уччала болага қаровчисини йўқотганлар сифатида нафақа тайинланди. Лекин... биз Самарқанднинг Челак туманида, нафақа тўловчи Қашқадарёда бўлиб, ўзларидан билиб болалар ҳақини жўнатишмайди, ёзсам-сўрасам жавоб беришмайди, узоқ йўл тортиб борсам қоп-қоп ваъда...

Олдинги йиллари ёзмаган жойим қолмади. Бирор натижа бўлмади. Охири сизларга ёзган эдим, иш бироз жонлангандай бўлди: 1999 йил биринчи ярими учун нафақам келиб тушди. Лекин... олдинги йиллар учун болалар нафақасини эолмаяпман. 1999 йил иккинчи ярми учун ҳам ойма-ой юборилиши лозим бўлган нафақа тўхтаб қолди. Болалар эса катта бўлишаяпти, маблағ керак. Мен ва оилам етимлар ҳақини сўрайвериб, ўзимиз сарсон, дилларимиз қон бўлиб кетди. Адоғи бормикин бунинг? Қачонгача «Ширинтепа»дан болаларнинг «ширин» ҳақи берилмасдан қолаверади? Илтимос, ёрдам беринг!

Зариббой ПРИМОВ,
Самарқанд вилояти,
Челак тумани,
«Оққўрғон» жамоа хўжалиги

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз Зариббой аканинг хатини икки вилоят билан боғлиқ бўлганлиги сабабли саҳифамизда босаяпмиз. Қолаверса, ортиқча қоғозбозликка ўрин қолдириш истагимиз йўқ. Болалар ҳақига «хиёнат» қилиш фактлари бошқа жойларда ҳам учраб турганлиги сабабли улардаги мутасаддиларга сабоқ бўларми-кин, деб ҳам ўйладик. Хуллас, муҳтарам «Ширинтепа»лик раис «бобо», бухгалтер «бобо» ва бошқа «амаки-тоғажон»лар! Сизлардан илтимос, ота-она меҳридан жудо бўлган кўнгли ярим болаларнинг ҳаққини беринг. Агар бу ҳақ қонуний берилиши керак бўлса, ўзингизни бироз «қисиб» бўлса-да, аввал гўдаклар ҳақида ўйланг, мурувватли бўлинг! Қолаверса, қонунга хилоф иш тутманг! Акс ҳолда бу масала билан қонун, уни муҳофаза этувчи идоралар шуғулланиши мумкин ва... лозим. Ушбу масала таҳририятимиз «эси»да туради. Барча ўқувчиларимиз, Зариббой ака, учта гўдак - биргалашиб сизлардан жўяли ечим ва жавоб кутади. Косон туман прокуратураси бир оғиз сўров ва назорат учун вақт топа олади, деган умидимиз ҳам йўқ эмас.

НОМИ ЭРКАГУ ҚИЛГАН ИШИ...

Илгариги эркакларимиз юрганда оёқларининг зарбидан ер титраб кетар эди. Ҳали уйга кирмасдан туриб, эркакларимизнинг келганини билар эдик. Чунки улардан ҳақиқий эркак ҳиди келар эди. Ҳозиргилардан-чи? Мени кечирсинлару олдидан беихтиёр ўтиб кетсанг, фаранг атирининг ҳиди димоғингни ёради...



— Оқ теракми, кўк терак?
— Текин бўлса, кў-ўп керак...

ЭЪЛОН

Бухоро вилояти Адлия бошқармаси томонидан Ғиждувон туман нотариуси Сафаров Маҳмуд Ғаниевич номига берилган 1997 йил 4 августда ВН 000027 рақамли ҳуқуқий лицензия 1999 йил 29 сентябрдан бошлаб **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурҳон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0668. Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи: **Ш. РЕЖАПОВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: **У.ДЎСМАТОВ**
Терувчи: **М. ДЎСТОВА**

МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.